*Mustaqillik huquq demakdir*

# HUQUQ

# 27
(394)

YURIDIK GAZETA

| Iyul | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D. | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| S. | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ch. | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| P. | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| J. | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Sh. | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Y. | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan. WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида

***Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида, шунингдек, жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда:***

1. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифлари иловага мувофиқ маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси иловада кўрсатилган таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини уларга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда – ҳуқуқбузарлик ва унинг оқибатлари хусусиятига қараб молиявий санкциялар бекор қилиниши ёки миқдорлари камайтирилишини, шунингдек айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тадбиркорлик субъектларидан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклашни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

бир ой муддатда – қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 июнь

**RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA**




## ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров раҳбарлигида Бош прокуратура ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз президенти И.Каримовнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтирилган қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш ва бу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.***

Мажлисда прокуратура органларининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги фармонлар ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарордан келиб чиқувчи вазифалари белгилаб олинди.

Бош прокурор томонидан барча прокурорлар олдига назорат органлари мансабдорлари, жумладан, прокуратура органлари ходимларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузганлиги учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш чораларини кўриш талаби қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари, хусусан, фаолиятини тугатиш, ўн кундан кўпроқ муддатга фаолиятини тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисоб-варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, жарима қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш фақат суд орқали қўлланиши тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚК департаментига ва қуйи прокурорларга тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиш) белгиланган тартибда фақат солиқ органлари томонидан ўтказилиши, солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда текширишлар департамент ва унинг қуйи тизимлари томонидан амалга оширилишини таъминлаш топширилди.

Прокуратура органларининг барча ходимларига микрофирма ва кичик корхоналар учун жорий этилган ягона солиқ тўловига риоя қилиниши, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ҳуқуқбузарлиги учун молиявий жавобгарлигининг қонунда белгиланган тартибда таъминланиши устидан назорат олиб бориш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтирилган қонунларнинг моҳиятини жамоатчиликка тушунтириш вазифалари юклатилди.

Шу билан бирга, жойларда бу йўналишда прокурор назоратини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида прокуратура органларининг ҳаракатини мувофиқлаштириш мақсадида доимий ишчи гуруҳи тузилди. Бу соҳадаги қонунларнинг ижроси устидан назоратни таъминлашга қаратилган асосий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**BU HAQDA HAY`AT MAJLISIDA GAPIRILGAN EDI**

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

**Республика Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Баҳодир ЗОҲИДОВ билан суҳбат**

***— Бугун халқимизнинг тақдирига дахлдор масалалардан бири иқтисодиётни эркинлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласидир. Шунинг учун бу нарса мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.***

—Конституциянинг 53-моддаси иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Сўнгги йилларда республикада хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолияти эркинлиги ва кафолатларини тартибга солувчи ўндан зиёд норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Биринчидан, 1996 йил 8 августда ва 1998 йил 19 ноябрда текширишларни тартибга солишга оид президент фармонлари чиқарилди. Шунингдек, ушбу туркумдаги ҳужжатларга «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги (1998.24.12.), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2000.25.05.), «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги (2003.11.12.) қонунларни киритиш мумкин. Улар чиқарилгунга қадар барча назорат қилувчи органлар қонунбузилишлар ҳақида келиб тушган барча ариза, жумладан аноним аризалар бўйича ҳам тўғридан-тўғри, мутахассисларни жалб қилган ҳолда, режалаштирилмаган текширишларни ўтказиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашиб келганлар. Бу эса тадбиркорликнинг жадал ривожланишига салбий таъсир қилар эди. Ҳозир ҳар қандай текшириш назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг рухсати билан режа асосида ўтказилиши белгиланди. Натижада текширишлар йилдан-йилга қисқариб, икки-уч йилда бир марта ўтказиш механизми шаклланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, ушбу тизимни жаҳон андозаларига мос равишда шакллантириш учун қулай шароит яратиш, уларнинг фаолиятига ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний аралашувга барҳам бериш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари И.Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодиёт соҳасидаги устувор вазифалардан бири хусусий тармоқни ривожлантириш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги салмоғини оширишдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу мақсадда шу йил 14 июнда «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар, 15 июнда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарор ва 20 июнда «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 24 июнда «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги фармонлари чиқарилди.

Қайд этилган қарор ва фармонлар бир қатор янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган. Жумладан, шу йил 1 июлдан бошлаб янги тартиб жорий этилиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).

## СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**СИРДАРЁ вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси ходимлари «Сайхунобод пахта тозалаш заводи» АЖда ўтказган текширувда жамият мансабдорлари ваколатини суиистеъмол қилиб, 2005 йил пахта ҳосили учун хўжаликларга уруғлик чигитни тарқатишда 21.616 та қопнинг соф оғирлигини (4300 кг) умумий вазндан чиқармай пахта етиштирувчиларнинг манфаатига 2.024.000 сўмлик зарар етказганлиги аниқланган.**

* * *

**ПОП туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Поп туман филиалида ўтказган текширувда маълум бўлишича, банкнинг валюта айирбошлаш шахобчаси назоратчиси Музаффар Деҳқонов ва кассир Аҳмаджон Эгамовлар жиноий тил бириктириб, 2004 — 2005 йиллари 6 нафар фуқаро номига сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, 77.907 АҚШ долларини номаълум кишиларга сотиб юборишган.**

* * *

**САМАРҚАНД вилоят ДСБ ходимлари ўтказган текширувда фуқаро Нодир Исматов ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 1000 литр винони М.Раҳматовага 345.000 сўмга сотганлиги аниқланган. У ушбу маҳсулотни «Мўминобод» МЧЖга қарашли вино ишлаб чиқариш корхонасидан ноқонуний равишда олиб чиққан. Н.Исматовга қарашли 1900 литр вино далилий ашё сифатида олинган.**

* * *

**МИРЗАОБОД туман ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган текширувда «Янгиовул» маҳалласида яшовчи Тўлқин Бойназов ўз уйида ноқонуний равишда пахта ёғи ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил қилганлиги аниқланган. Ундан 527 кг. чигит, 4800 кг. кунжара ва 763 кг. тозаланмаган ёғ далилий ашё сифатида олинган.**

* * *

**ҒАЛЛАОРОЛ туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими, МХХ ва ИИБ ходимлари ҳамкорликда ўтказган текширувда маълум бўлишича, Бахмал туманидаги Н-ҳарбий қисм ёнилғи-мойлаш воситалари хизмати бошлиғи Фаррух Неъматов фуқаро Нурулла Бўронов билан жиноий тил бириктириб, 3600 литр А-76 маркали бензинни 900.000 сўмга сотиб юборган. Шунингдек, Ф.Неъматовга тегишли 4840 литр дизел ёнилғиси фуқаро А.Хидировнинг уйида сотиш мақсадида сақланаётганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган.**

* * *

**НАМАНГАН вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси ва ИИБ ходимлари ўтказган тадбирда Мингбулоқ тумани «Мустақиллик» МФЙ раиси Эсонбой Нишонов фуқаро Санобар Ғойиповадан вояга етмаган уч фарзандига нафақа расмийлаштириш тўғрисидаги ҳужжатларни махсус комиссиядан ўтказиб бериш эвазига 15.000 сўмни пора сифатида олаётган вақтида ушланган. Текширув давомида Э.Нишонов К.Исомиддиновадан ҳовли учун жой ажратиб бериш эвазига 200.000 сўм, Б.Эгамовага ёрдам пули расмийлаштириб бериш учун 15.000 сўм, М.Долиевадан фарзандига нафақа расмийлаштириб бериш эвазига 15.000 сўм олганлиги ҳақида ушбу фуқаролар ариза тақдим этишган.**

**Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.**

# МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

**Республика Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Баҳодир ЗОҲИДОВ билан суҳбат**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Буларга:

— фаолиятни тугатиш;

— фаолиятни тўхтатиб қўйиш;

— банкдаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;

— молиявий санкция қўллаш;

— ҳуқуқбузарлик предметини давлат даромадига ўтказиш;

— тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиясини 10 иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш киради.

Яна бир муҳим янгилик шуки, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тартиби қатъий белгилаб берилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилиши белгиланиб, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Савдо-саноат палатасига бир ой муддатда «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги қонун лойиҳасини парламентнинг қонунчилик палатасига киритиш ва бунда тадбиркорлик субъектлари ва бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилишини назарда тутиш ҳақида топшириқ берилди.

***— Ҳакамлар суди қандай бўлади?***

— Ҳакамлар суди нодавлат суд бўлиб, юзага келган низоларни ҳал қилиш учун тарафлар томонидан сайланади. Тарафлар ўз навбатида ушбу ишларни ҳакамлар судига беришдан олдин ушбу суднинг қарорига бўйсуниш мажбуриятини олади.

Ҳакамлар суди доимий равишда фаолият кўрсатиши ёки айнан бир низони ҳал қилиш учун ташкил этилиши мумкин.

Тарафлар ҳакамлар судининг қарорини ихтиёрий равишда бажаради, мабодо қарор ихтиёрий равишда бажарилмаса, манфаатдор тараф ҳакамлар суди қарорининг ижроси учун бериладиган варақани сўраб, ваколатли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

«Суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига кўра, ҳакамлар судининг қарорлари мажбурий ижро қилинадиган ҳужжатлар туркумига киритилган.

Ҳакамлар судининг тадбиркорлар эътиборини жалб қиладиган жиҳатларидан бири—тадбиркорлар судьяларни, яъни учинчи шахсни ўзлари эркин танлайдилар. Шунингдек ишларнинг холисона кўрилиши, низони ҳал этишдаги тезкорлик, ишнинг қисқартирилган муддатларда кўрилиши, кўп миқдорда бож солинмаслиги, ҳакамлик муҳокамасининг осон кечиши, бюрократик тўсиқларнинг йўқлиги, ҳар бир низога алоҳида ёндашилиши, низолашувчи тарафларнинг ҳамкорлиги ва бир-бирини тушуниши ҳам эътиборга молик.

***— Юқорида таъкидланган қарор ва фармонлардан сўнг тадбиркорларга яна қандай имтиёз ва эркинликлар берилади?***

— 15 июндаги 100-қарор билан тадбиркорлик субъектлари фаолияти янада эркинлаштирилиб, уларга қулай шароит яратиш учун халқаро амалиётга мувофиқ ҳисоботлар тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш белгиланди.

Қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига чек қўйилиб, 1 июлдан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналарнинг ҳисобот топшириш тизими соддалаштирилди. Энди улар ҳар ойда эмас, ҳар чоракда ҳисобот тақдим этишади.

Мазкур қарор ва фармонлар билан Бош прокуратурага назорат органлари мансабдорларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлиги учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтирилиши вазифаси юклатилди.

20 июндаги фармонга кўра, 1 июлдан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови жорий этилди. Амалдаги қонунчиликка кўра бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва мактаб таълими жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлаш ягона солиқ тўловига ўтиш натижасида 15,3 фоиздан 13 фоизга қисқартирилди. Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача ҳар чоракда тўланиши белгиланди.

Янги ташкил этилаётган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддати бир йилга кечиктирилиши ва бир йилдан кейин ҳам ягона солиқни 12 ой давомида имтиёзли, ойма-ой тенг улушда тўлаб бориши қайд этилди.

1 июлдан бошлаб акциз солиғи солинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун ҳам бир қатор эркинликлар яратилди.

24 июндаги 3622-фармон билан тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган ҳуқуқбузарлик, агар у қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли бўлса, бунинг оқибатида давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларига тўлов келиб тушмаслигига олиб келмаган бўлса, қонунда белгиланган тартибда мансабдорларга нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласини судга материал тақдим қилмасдан ҳал қилиш белгилаб берилди.

Судга ўтказилган материал бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан бир ой мобайнида солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик натижасида етказилган зарарлар, жумладан пеня ихтиёрий равишда тўланса ва унинг оқибатининг олди олинган тақдирда тадбиркорлик субъекти молиявий жарима қўлланишидан озод этилади.

***— Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатини ҳимоя қилиш прокуратура органлари учун янги вазифа эмас. Шундай эмасми?***

—Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларни барча турдаги бюрократик тўсиқлардан ҳимоялаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада муайян ишлар қилинган.

Прокурорлик назорати ҳужжатларини қўллаш натижасида 2004 йил ва 2005 йилнинг ўтган 5 ойида маҳаллий ҳокимиятларнинг тадбиркорлик субъектлари манфаатига зид равишда чиқарилган 312 та ноқонуний ҳужжати бекор қилинган. Тадбиркорларга етказилган 16 млн. сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий равишда ундирилиб, 3 млрд. сўмлик зарарни ундириш ҳақида судларга 1115 та даъво аризаси киритилган ва 87 та жиноят иши қўзғатилган.

Масалан, Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи Кенжаев ўндан ортиқ фермер хўжалигида ноқонуний текшириш ўтказилишига йўл қўйганлиги аниқланиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Айрим ҳолатларда эса солиқ ва бошқа назорат органлари тадбиркорлик субъектларини текшириб, ноқонуний жарималар солишган. Масалан, Тошкент шаҳар Миробод тумани солиқ инспекцияси бошлиғининг қарори билан «Терапия» хусусий фирмаси ҳамда Қашқадарё вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг қарори билан «Нишон дон маҳсулотлари қабул қилиш» МЧЖга қонунга зид равишда жарима қўлланган. Ноқонуний жарималар прокурорларнинг протестига кўра бекор қилиниб, тадбиркорларнинг ҳуқуқи тикланган.

***— Айрим ҳолларда тадбиркорлар фаолиятига ҳокимият вакилларининг тўсқинлик қилаётгани ҳақида ҳам эшитиб қоламиз.***

— Дарҳақиқат, айрим ҳокимият ва давлат идоралари мансабдорларининг тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилиши тадбиркорликни ривожлантириш борасида муаммо келтириб чиқармоқда. Масалан, Қўқон шаҳар ҳокимининг 2004 йилдаги қарори билан шаҳарда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар маҳсулот сотиб олишда банк ва солиқ идораларидан маълумот тақдим этганидан сўнг тўловни амалга оширилиши мумкинлиги белгиланиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқи чекланган.

Муаммолардан яна бири банк мансабдорларининг суиистеъмолчиликка йўл қўйиб, топширилган нақд пулни тадбиркорнинг талабига кўра ўз вақтида бермаётганлигидир. Масалан, «Халқ банки»нинг Шофиркон туман филиали бошқарувчиси Д.Саломов тадбиркор М.Очиловга берилган кредитнинг 1.000.000 сўмини шахсий манфаатига ишлатиб юборган. «Пахтабанк»нинг Мирзачўл бўлими бошқарувчиси Раҳмонов 398 та фермер хўжалигининг 8.000.000 сўмлик транш маблағини бошқа корхоналарга ўтказиб, фермерларнинг манфаатига зарар етказган. Шунга ўхшаш ҳолатлар юзасидан республика бўйича 5 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бундан ташқари, Навоий вилояти Кармана тумани солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Эшмуродов, Марказий банкнинг Бухоро вилоят бошқармаси ходими Ҳикматов тадбиркорларга ёрдам бериш эвазига пора олганида ушланган. Шулардан келиб чиқиб таъкидламоқчиман, прокуратура органлари энди президентимизнинг юқоридаги фармон ва қарори ижросини таъминлаш борасида қатъий иш олиб боришлари керак. Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу орган мансабдорларининг қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу орган томонидан, биринчи навбатда, унинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланишини ўрганиб бориш лозим.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ суҳбатлашди**

PROKUROR NAZORATI

# ҲИСОБИДАН АДАШГАН ҲИСОБЧИ

**Қумқўрғон туман прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишига доир қарорининг Қумқўрғон ширкат хўжалигидаги аҳволи текширилди.**

Хўжаликда дала меҳнаткашларига талаб даражасида шароит яратилмаган. 2005 йил яримлаб қолган бўлса-да, ижарачиларга 2004 йил учун иш ҳақи берилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бу каби боқибеғамлик меҳнаткашларнинг ишдан кўнглини совутиб юборган. Шу боис, далаларда ишлар кўнгилдагидек эмас. Ғўзанинг ривожи суст. Маош ўз вақтида берилмагач, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да.

Жумладан, Эшпўлат Тўрамуродов бошчилик қилаётган ижарачилар 2004 йил учун 467.176 сўм пулларини олишмаган. Хусусан, Э.Тўрамуродовнинг ўзи 138.000 сўм, ўғиллари Баҳром 119.000 сўм, Ориф 166.000 сўм, Икром 42.000 сўмни шу кунга қадар олмаган. Ижарачи Алишер Жумаевга шу давр учун 74.000 сўм, ишчиси С.Эшқурбоновага 58.000 сўм, ижарачи О.Тожиевнинг оила аъзолари А.Даминовага 103.000 сўм, Р.Тожиевага 62.000 сўм, Д.Тожиевага 90.000 сўм иш ҳақи берилмаган. Юзлаб хўжалик аъзоларининг ҳуқуқи шу тарзда бузилган. Ширкат хўжалигининг бош ҳисобчиси Ўрол Маматқулов ҳисобдан адашганми, ҳарқалай парвойи палак.

Ўролбой «дунёни сув босса, ўрдакка нима ғам» қабилида иш тутаётган кўринади. Шунинг учун, унга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

**И.ХУРРАМОВ,**
**Қумқўрғон туман прокурори ёрдамчиси**

TADBIR

# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Андижон вилоят прокуратураси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Республика Президентининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини янада такомиллаштириш, микрофирмалар ва кичик корхоналарни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга йўналтирилган қарор ва фармонларини ўрганишга бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят прокурори Б.Деҳқонов, республика монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Ҳайитов, вилоят ҳокими С.Бегалиевлар сўзга чиқиб, Президентимизнинг ушбу фармонлари тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очганлигини таъкидлашди.

Тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ушбу қарор ва фармонлар бўйича жойларда тушунтириш ишларини ташкил этиш вазифаси белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

FAOLIYATGA NAZAR

# СОЛИҚЛАР – ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

## Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи вазифасини бажарувчи Саидакбар РЎЗИЕВ билан суҳбат



***— Саидакбар ака, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июл ҳамда 2002 йил 28 ноябрдаги қарорларига асосан мамлакатимизда иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, халқ манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилган эди. Суҳбатимизни ўтган даврда иқтисодиётимиз таянчи бўлмиш солиқ тизимида мукаммалликка эришиш, бу соҳада қонунбузарликларга барҳам бериш йўлида департамент амалга оширган ишлар ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак.***

— Мустақиллик туфайли республикамизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишига, янги турдаги мулк шаклларининг вужудга келишига, тадбиркорлик билан шуғулланиш ва уни ривожлантиришга кенг имконият яратилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётгани сир эмас. Ҳукуматимиз томонидан иқтисодиёт ва солиқ тизимини янада такомиллаштириш, солиқ юкини енгиллаштиришга қаратилган чоралар кўриб борилмоқда. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, берилаётган эркинлик ва имтиёзлардан ўз манфаати йўлида фойдаланадиган, мажбуриятини эсдан чиқариб қўядиган шахслар ҳар қандай жамиятда топилади.

Мамлакатимизда иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш, солиқ ва йиғимларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида департамент органлари ташкил этилган эди. Ўтган вақт мобайнида муайян ишлар қилинди. Жумладан, фаолиятимизда ҳуқуқ-тарғибот соҳасига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «Бу идораларнинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки энг муҳими, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборатдир», — деб таъкидлаган эди. Шу боис департамент ходимлари айнан қонунчиликни тарғиб қилиш, солиқ тўловчилар орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазонинг муқаррарлигини тушунтиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

**Давлат рўйхатидан ўтмай, санитария қоидаларига зид равишда спиртли ичимлик, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 2259 та цех фош этилиб, 520,7 млн. сўмлик маҳсулот ва ишлаб чиқариш ускуналари ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар йўқ қилинган.**

Ўтган даврда ҳуқуқ тарғиботи соҳасида 86 мингдан ортиқ тадбир ўтказилиб, бюджетга 32,6 млрд. сўмлик солиқ ва бошқа йиғимларнинг ихтиёрий равишда тўланишига эришилди.

Департамент органларининг солиқ, валюта ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида олиб бораётган фаолияти тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, давлат бюджети барқарорлигини таъминлашга қаратилган деб баҳоланиши лозим. Чунки, департаментнинг асосий вазифаси солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни фош этишгина бўлмай, бундай кимсаларнинг ноқонуний ҳаракатлари орқали вужудга келаётган носоғлом рақобатни йўқ қилиш, ҳақиқий тадбиркор манфаатини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-қарори ижроси юзасидан ўтказилган тадбирларда мамлакатимизга ноқонуний равишда товар олиб келиш ва савдога чиқариш билан боғлиқ 11.403 та ҳолат аниқланиб, қонунбузарлардан 13,1 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилди ва 119 та транспорт жиноят қуроли сифатида давлат эгалигига ўтказилди.

Фарғоналик Б.Алиев фуқаро Қ.Умаров бошқарувидаги «Prince» машинасида чет элда ишлаб чиқарилган 10.195.000 сўмлик 10.800 дона дори-дармонни сотиш учун Қўқон шаҳрига олиб кетаётганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида Андижон шаҳридаги хонадондан 336.980.000 сўмлик дори-дармон олинган.

Мамлакат бюджетини шакллантиришда акциз солиғи тўланиши лозим бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш алоҳида ўринга эга. Акциз солиқлари республикада тўланадиган солиқларнинг 17,2 фоизини ташкил этиб, миқдори бўйича фақат қўшимча қиймат солиғидан кейинги ўринни эгаллайди. Шу сабабли акциз солиғи солинадиган маҳсулотларни ғайриқонуний равишда юртимизга олиб кириш, яширин ишлаб чиқариш ва муомалага киритилишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Туркманистондан Қашқадарё вилоятига ноқонуний равишда 15.085.000 сўмлик, Тошкент вилояти Янгийўл туманига 36.225.000 сўмлик акциз маркасиз сигаретларни олиб киришга уринган жиноий гуруҳ ушланди. Улардан маҳсулотдан ташқари 4 та «Нексия» ва «КамАЗ» машиналари олиб қўйилди.

Тошкент ҳалқа йўлида ўтказилган тадбирда 15.000 литр этил спиртини Тожикистондан олиб келаётган У.Мансуров, Д.Қурбонов, Қ.Назировлар ушланган. Уларнинг машиналаридан 202.000 та «Стабильная»ароғи ёрлиғи, 2.000.000 дан зиёд «Вагхап», «Контра», «Снежний барс» ва «Пшеничная» ароқлари учун ёрлиқлар топилган.

Иқтисодимизга зарар етказаётган муаммолардан яна бири бюджет маблағларини турли ноқонуний йўллар билан нақдлаштиришдир. Департамент томонидан ўтган даврда шу иш билан шуғулланган юзлаб фирмалар, жиноий гуруҳлар фаолиятига чек қўйилди. Улар жиноятни амалга оширишда корхона ва ташкилотлар ҳисобидаги маблағлардан фойдаланган. Хусусан, улар «ЎзДЭУавто» машиналари ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиачипталарини ғайриқонуний сотишган.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилиб, расмий дилерлар томонидан 2003 йилда жисмоний шахсларга сотилган машиналарнинг 3861 таси учун олинган 33,2 млрд. сўм нақд пул банкка топширилмаган.

«Ҳаво алоқалари бош агентлиги» сотган 100 млрд. сўмлик авиачиптадан 36 млрд. сўмлиги 47 та хусусий фирма орқали нақд пулга сотилган бўлса-да, пул кўчириш йўли билан сотилган дея расмийлаштирилган.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Б.Азизов, Эркин ва Хушвақт Фаттоҳовлар солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, бошқалар номига 14 та фирма ташкил қилган. Солиқ идораларининг назоратидан қочиш мақсадида «Миллий банк», «Савдогарбанк», «Тадбиркорбанк» ва «Ғаллабанк»нинг Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоят бўлимлари ходимлари билан жиноий алоқада бўлиб, фирмаларга қалбаки ҳужжатлар асосида ҳисоб-рақам очиб, банк операцияларини амалга оширишган.

Улар 6,7 млрд. сўмлик ноқонуний товар айланмасини амалга ошириб, шундан 6,3 млрд. сўм нақд пулни ўзлаштиришган.

Умуман олганда ноқонуний нақд пул айланмасини аниқлаш борасида ўтказилган тадбирларда 343,7 млрд. сўмлик савдо тушумини назорат-касса машинасидан ўтказмаслик ва банкларга топширмаслик билан боғлиқ 9240 та ҳолат аниқланиб, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Ўтказилаётган тадбирлар давлат корхоналарининг айрим раҳбарлари шахсий манфаати йўлида товарларни икки-уч баробар қимматига сотиб олиб, ўртадаги фарқни маҳсулот етказиб берган шериклари билан бўлиб олаётганлигини кўрсатаяпти. Жумладан, «Енгилсаноат» уюшмасининг бир қатор мансабдорлари 2,3 млрд. сўмлик солиқларни яширишган, 1,3 млрд. сўмлик нақд пул айланмаси ва 19,4 млрд. сўмлик ноқонуний бартер операциясини амалга оширишган. Давлатга 1.169.200.000 сўм ва 492.574 АҚШ доллари миқдорида моддий зарар етказишган, шундан 1,7 млрд. сўми ундирилди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарида 24,7 млрд. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси ва 13,8 млрд. сўмлик ноқонуний бартер операциялари амалга оширилган, давлатга 1,9 млрд. сўмлик моддий зарар етказилган. Шундан жарималар билан бирга 11,2 млрд. сўм ундирилди.

Давлат рўйхатидан ўтмай, санитария қоидаларига зид равишда спиртли ичимлик, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 2259 та цех фош этилиб, 520,7 млн. сўмлик маҳсулот ва ишлаб чиқариш ускуналари ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар йўқ қилинган. Жумладан, Тошкент шаҳрида яшовчи Б.Авлиёқулов фуқаро А.Орипов билан тил бириктириб, Шайхонтоҳур туманидаги 60-мактаб ва Чилонзор туманиги 138-мактаб ҳудудида ғайриқонуний тарзда ташкил этган цехларда печенье ишлаб чиқариб, «Карвонбозор»даги дўконда сотиб келганлиги фош этилди. Ушбу цехлардан 18,3 млн. сўмлик сифатсиз печенье ва хомашё, дўконда сотилаётган 950 минг сўмлик печенье ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, Сурхондарё вилоятида Б.Имомқулов ва З.Мейлиевлар тозаланмаган ош тузини қадоқлайдиган, Жиззах вилоятида О.Холиқов пахта ёғи, Андижон шаҳрида Х.Арзиқулов, О.Раҳмоновлар қўлбола ароқ ишлаб чиқарадиган цех ташкил қилганлиги фош этилган. Булар фақат аниқланиб, йўқ қилинганлари холос. Улар сифатсиз маҳсулоти туфайли халқимиз саломатлигига қанча зиён етказганини ҳисоблаб бўладими?

***— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябридаги 415-қарори билан департамент органларига валютага оид жиноятларни аниқлаш вазифаси ҳам юклатилган эди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилаяпти?***

— 2002 йилдан буён валютага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш юзасидан амалга оширилган тадбирларда 2090 та ҳолатда қонунбузарлар ноқонуний муомалага киритган 1 млрд. 377 млн. АҚШ доллари, 864 минг Россия рубли, 2,2 млн. Қозоғистон тангаси, 362,8 млн. Ўзбекистон сўми далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, давлат эгалигига ўтказилди.

**Сафларимизни малакали, бурчига садоқатли кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз.**

Экспорт, бартер ва консигнация шартномалари бўйича валюталарнинг хориждан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилмаслиги, яъни тўлов интизомининг бузилиши туфайли давлатимиз манфаатига зиён етказилаяпти. Жумладан, Андижон вилоятидаги «ЎзДЭУавтоКо» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти мансабдорлари Россияга шартнома асосида экспорт қилинган машиналар ҳисобидан 33,3 млн. доллар миқдоридаги дебиторлик қарзини экспортдаги зарар деб ҳисоботдан чиқариб юборганлиги натижасида республика ва корхонага катта миқдорда зарар етказилган.

«Кабул-Фарғона Ко ЛТД» қўшма корхонаси мансабдорлари Германиянинг Франкфурт шаҳрида жойлашган ваколатхонасига 2 та консигнация шартномасига асосан 10,6 млн. долларлик маҳсулот юбориб, салкам 2 млн. долларлик валюта тушумини белгиланган муддатда ундириш чорасини кўрмаганлиги сабабли корхонага 1,9 млрд. сўмлик зарар етказилган.

***— Яқинда матбуотда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги президент фармони эълон қилинди. Ушбу фармоннинг моҳияти ҳамда шу муносабат билан департамент олдига қўйиладиган вазифалар ҳақида сўзлаб берсангиз.***

— Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш — давр талаби. Бу йўлда белгиланган устувор йўналишларнинг амалга оширилишини жадаллаштириш эса олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

Таъкидлаш жоизки, департамент идоралари асосий эътиборни текширишлар сонини камайтириш, уларни ғайриқонуний фаолият кўрсатаётган субъектларга йўналтириш, ҳақиқий тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратишга анча илгари ўтган эди. Текширишлар сони 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 25 фоизга, жорий йилнинг ўтган даврида эса 47 фоизга камайгани фикримизнинг исботидир.

Бугун президент фармонлари ва қарори ижросини таъминлаш борасида департамент органлари тадбиркорлар ичига янада чуқурроқ кириб бориши, муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бериши, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаш учун барча имкониятдан фойдаланиши, жумладан, ишимиз учун характерли бўлмаган анкеталарни жорий қилиши, мониторинг ўтказиши лозим.

Бундан ташқари, божхоналарни четлаб юртимизга маҳсулот олиб кириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва товарларни қонуний импорт қилаётган тадбиркорлар манфаатига зарар етказаётган сохта тадбиркорлар фаолиятини фош этиш;

хуфиёна иқтисодиёт намояндаларини, уларни хомашё билан таъминлаётганларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига барҳам бериш;

чет эл валютасининг ноқонуний айланиши, қонунга зид равишда тузилган экспорт ва импорт шартномалари орқали мамлакат иқтисодига зарар етказаётганларнинг фаолиятини фош этиш;

назорат идоралари тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувининг олдини олиш, таъмагирлик ва суиистеъмолчиликка қарши курашга алоҳида эътибор қаратиш билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам бериш асосий вазифамиздир.

Таъкидлаш лозимки, департамент ходимлари томонидан тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларга тазйиқ ўтказиш ҳолатларини аниқлаш, ножўя ҳаракат содир этган ходимларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар кўрилаяпти.

Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади» деган гап бор. Бу муҳим ҳужжатлар давлат идораси ҳамда тадбиркорлар зиммасига бирдек масъулият юклайди. Эртанги кунимиз, ишимизнинг самараси, тадбиркорликнинг ривожи ўзимизга боғлиқ. Шу боис солиқ ва валютага оид қонунбузарликлар, ҳокимият, назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи идоралар ходимлари томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари бузилган ҳолатлар юзага келса, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига хабар беришга чақирамиз.

**Суҳбатдош**
**Ш.ЖАҲОНГИРОВ**




# Саҳифаларимизда Сирдарё вилояти прокуратураси органлари


*Вилоят маркази Гулистон шаҳри кундан-кун чирой очмоқда.*

Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Тоҳир РАЖАБОВ билан суҳбат



# Изчиллик ва қатъият

***— Тоҳир ака, прокуратуранинг ўтган йиллардаги фаолияти ва келгусидаги вазифалари ўртасида қандай муштарак жиҳатлар бор деб ҳисоблайсиз?***

— Бу саволингизга мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлардан жавоб излаш лозим. Боиси, прокуратуранинг ўтган йиллардаги фаолияти мана шу ўзгаришларга мос тарзда олиб борилди. Биринчидан, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда белгилангандек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш биз учун асосий вазифа бўлиб келди. Иккинчидан, чинакам демократик давлат барпо этишнинг ҳуқуқий базасини жамиятга сингдириш учун ҳар томонлама кураш олиб борилди. Учинчидан, қонунчилик назорати орқали барча соҳаларда олиб борилаётган ўзгаришларга кўмаклашилди. Бу ишларнинг барчаси келгусидаги мақсадларимиз билан узвий боғлиқ.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган сенат ва қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида таъкидлаганидек: ***«Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир».***

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ўта мураккаб жараён. Таассуфки, «демократияни экспорт қилишни» хоҳлаётган баъзи ташқи кучлар буни тўлиқ англай олмаяпти. Вақт билан ҳисоблашмаслик, жамиятда демократик қадриятларни қарор топтириш учун унинг омилини тан олмасликнинг иложи йўқ. Одамлар онгидаги боқимандалик, эскича фикрлаш, тоталитар тузумдан мерос қолган ҳуқуқий қарашлар узоқ вақтгача ишларимизга тўсиқ бўлиб келди. Фуқаролар орасида олиб борилган кенг кўламли тарғибот ишларигина бундай ҳолатларни қисман бартараф этиш имконини берди.

Шунга қарамай эришган ютуқларимиз билан фахрлансак арзийди. Эндиликда агрофимизда фермер ва тадбиркорларни кўриб ҳеч ҳам ажабланмаймиз. Ҳолбуки, атиги ўн тўрт йил олдин бу ҳақда фақат орзу қилиш мумкин эди холос. Хусусий мулк, акциядорлик, шартнома, биржа каби тушунчалар биз учун бегона эди. Қисқа вақт ичида турмушимизга бу қадриятларнинг сингиб кетиши ислоҳотларнинг тўғри йўлдан кетаётганини кўрсатади. Фуқароларнинг онги, малакаси ҳам шунга мос равишда ўзгарди. Судлар мавқеининг кучайтирилиши, адвокатура мақомининг кенгайтирилиши, прокуратура олдига янги мақсадларнинг қўйилиши одамлар онгида фуқаролик жамияти ҳақида тўлиқроқ тасаввур уйғотиш имконини берди.Бугун ҳар бир шахс ўз ҳуқуқини қандай ҳимоя қилишни билади. Бизнинг фаолиятимиз орқали эса прокуратура жазоловчи орган эмас, ҳимоя қилувчи, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга кўмаклашувчи орган эканлиги ҳақидаги тасаввурлар кенгайиб бораётир. Бундан кейинги фаолиятимизда ҳам бу тамойил биз учун асос бўлиб қолаверади. Қисқа қилиб айтганда, прокуратуранинг фаолияти бошдан-оёқ одамларнинг эртанги кундан кутаётган умидларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

***— Тоҳир ака, прокуратура жазоловчи орган эмас, ҳимоя қилувчи орган эканлиги нималарда ўз аксини топмоқда?***

— Бунга кўп мисол келтириш мумкин. Масалан, ширинлик тадбиркор Неъмат Ғайбуллаев банкдан кредит ололмай турли тўсиқларга дуч келиб юрган. Шаҳар ҳокими, банк бошқарувчиси иштирокида масала муҳокама қилиниб, унга қарийб 10 млн. сўм кредит олиб берилди. Ҳолбуки, прокуратура аралашмагунча бу масала узоқ йиллар асоссиз чўзиб келинган.

Кунига ўнлаб фуқаролар турли масалалар юзасидан мурожаат қилишади. Уларнинг аризаси ўрганилмай қолмайди. Ёки бўлмаса, жиноятчиликка қарши кураш йўналишини олайлик. Ҳар бир жиноят ортида кимнингдир ҳуқуқлари ёхуд жамият манфаатларига тажовуз ётишини эътиборга оладиган бўлсак, бу йўналишни ҳам ўша ҳуқуқларни ҳимоя қилиш деб қараш тўғри бўлади. 2005 йилнинг дастлабки 5 ойида оғир жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга, қотиллик 63,6 фоизга камайган. Содир этилган жиноятлар эса тўлиқ очилган. Жиноятларнинг бу тахлит камайишини фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларимизнинг самараси деб биламан.

***— Юқоридаги мисоллар билан прокуратура фаолияти орқали истиқлол йилларида мамлакатимиз эришаётган ютуқларни яна бир бор сарҳисоб қилдик. Бу ютуқларга эришишда қандай тўсиқларга дуч келинаяпти?***

— Муаммолар бўлмаслиги мумкин эмас. У тузумдан бу тузумга хамирдан қил суғургандек силлиққина ўтиш баъзи чет эллик назариячиларнинг дафтаридагина бўлиши мумкин. Таассуфки, фуқароларимиз онгидаги эскича қарашлар катта тўсиқ бўлаётганлиги ҳақида юқорида ҳам гапирдик. Лекин бундан давлатимизга, конституциявий тузумимизга қарши курашда фойдаланишни режалаштирган ташқи кучларнинг ҳаракати ҳам сезилиб қолди.Масалан, яқинда Гулистонда бир гуруҳ акромийлар устидан суд бўлиб ўтди. Саккиз кишилик жиноий гуруҳ конституциявий тузумга қарши фаолият олиб борган. Жумладан, Анвар Абдукаримов, Акмал Бердимуродов, Шуҳрат Абдуллаев, Сарвар Абдукаримов ва бошқалар Бахт шаҳрида ушбу экстремистик ташкилотнинг шахобчасини ташкил этишган. Улар ташкилот жамғармаси — «байтулмол»га даромадининг 20 фоизини муттасил ажратиб турганлар. Уларга тошкентлик С.Сайдуллаев деган киши раҳбарлик қилиб турган. Ўтказилган тезкор тадбир натижасида уларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Фикримни иқтисодиётга оид бир мисол билан давом эттирмоқчиман. Яқинда Сирдарё туманидаги қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятига дахлдор каттагина жиноят иши очилди. Масъул мансабдор шахслар ўн еттита пунктга ажратилган 300 млн. сўмга яқин бюджет маблағларини ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан ўзлаштиришган. Бу пуллар Сирдарё тумани ижтимоий таъминот бўлими ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан дори-дармон, нафақа, иш ҳақи учун ажратилган эди.Бу мисол ҳам одамларимиз онгида бировларнинг ҳуқуқини ҳурмат қилиш туйғусини кучайтириш учун ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини кўрсатади.

Суҳбатимиз охирида барча дўстларни яқинлашаётган энг улуғ байрамимиз — мустақилликнинг ўн тўрт йиллиги билан табриклайман. Улуғ мақсадлар йўлида ҳаммага куч-ғайрат тилайман. Барчамизни ёруғ келажакка ишонч туйғуси тарк этмасин.

**«Ниqиq» мухбири Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ суҳбатлашди**


*Сирдарёликлар мана шундай кўркам маънавият марказига эга.*

# Қонун олдида

***2005 йилнинг 5 ойи мобайнида ўтказилган текширишларда асосий эътибор қонунчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилди. Шу йўналишда 266 та текшириш ўтказилиб, ғайриқонуний актларни бекор қилиш ҳақида 189 та протест, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 261 та тақдимнома киритилди. 78 та жиноят иши қўзғатилди. Етказилган 11.450.700 сўмлик зарар ихтиёрий равишда тўланди. Фуқароларнинг манфаатини кўзлаб судларга 907.254.100 сўмлик 952 та даъво аризаси киритилди.***

Аниқланишича, 2005 йилнинг 1 июнигача 84.328 нафар пенсия ва нафақа олувчилар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳисобида бўлган. Шундан 40.451 нафари аёллардир. 1 июнгача 10.847.000 сўм маблағ молиялаштирилиб, пенсия олувчиларга тўлиқ тўланган. Лекин мазкур соҳада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Боёвут тумани ижтимоий таъминот бўлими ва «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг туман фили-



# Адолат ўз-ўзидан ўрнатилмайди

**Истиқлол туфайли катта мақсадларни олдимизга қўйганмиз. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ҳали ҳеч қайси бир давлатнинг тажрибасида учрамаган кўлам ва йўналишда олиб борилаяпти. Уларнинг туб мазмуни адолат тамойилини тўла рўёбга чиқаришга қаратилган. Мақсад аниқ — ҳар бир киши эркин, озод, ҳуқуқлари тўла таъминланган ҳолда яшасин. Афсуски, бу мақсадни тўла англаб етмаганлар ҳам бор.**

Аниқланишича, Гулистон шаҳри бўйича йилнинг 1-чорагида дебиторлик қарзлари 94.154.035.000 сўмни(муддати ўтгани 10.930.266.000 сўм), кредиторлик қарзлари 877.749.718.000 сўмни (муддати ўтгани 10.356.386.000 сўм) ташкил қилган. Бу корхона ва ташкилотлардан олинган маълумот.

Хусусан кенгашлар уйидан фойдаланиш бошқармасининг 2005 йил 1 февралгача дебиторлик қарзи 55.349.000 сўм, кредиторлик қарзи 448.333.000 сўм бўлган. Лекин ташкилот раҳбарларининг ўзи тўлов интизомига риоя қилмай, қарзларни ундириш юзасидан хўжалик судига даъво киритмаганлар. Мазкур ҳолат юзасидан 2005 йил 30 март куни бошқарма бошлиғи Х.Бобоев ва бошқаларга нибатан чора кўрилган.

Гулистон тажриба-таъмирлаш машинасозлик заводининг 1 февралгача дебиторлик қарзи 22.084.000 сўм, кредиторлик қарзи 12.185.000 сўмни ташкил этган. Корхона раҳбарлари қарзларни ундириш тўғрисида ўйлаб ҳам кўришмаган. Уларнинг ишга лоқайд муносабати тўлов интизомининг бузилишига олиб келган.

Мана шундай текширишлар жараёнида Гулистон шаҳар прокуратураси томонидан вилоят хўжалик судига ташкилотларнинг манфаатини кўзлаб 366.337.001 сўмлик 34 та даъво аризаси киритилди.

Мисоллардан кўриниб турибдики, баъзи бошқарув субъектлари орасида ҳали ҳам қонунчиликни мустаҳкамлаш учун қатъий чоралар кўраётганлари жуда кам. Уларнинг лоқайдлиги, ҳуқуқий малакасининг етарли эмаслиги ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ўзига хос тўсиқ бўлмоқда. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун барчамиз фаол бўлишимиз зарур.

**Абдували МУСТАЕВ,**
**Гулистон шаҳар прокурори**



*Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Бахтиёр Аҳмедов Гулистон педагогика коллежи ўқитувчилари даврасида.*

# Қонунийликни таъминлаш йўлида



Ҳар гал Сирдарё тумани прокуратурасига борганда қизғин иш устидан чиқамиз. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Туман прокурори Турғун Худойбердиевнинг хонаси гавжум. Маълум бўлишича, «Соҳил» фермерлар уюшмаси вакиллари сув таъминоти масаласида кўмак сўраб келишган экан.

Улар чиқиши билан яна бир гуруҳ фермерлар кириб келишди. Уларнинг ташвиши ҳам олдингиларникидан қолишмасди. Ўрим мавсуми қизғин паллага кирганлиги боис, комбайнлар етишмаётган экан. Туман машина-трактор парки эса шартномани тўлиқ бажармаётганлиги маълум бўлди. Прокурор уларнинг ҳар бир муаммосига қонуний ёндашишга ҳаракат қилди.

— Сирдарё тумани вилоятда биринчи бўлиб режани бажариш арафасида турибди, — дейди Турғун ака. — Бу йил туман иқтисодиётида катта ўзгаришлар бўлиши кутилаяпти. Қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни батамом тугатишни режалаштирганмиз. Бунинг учун барча субъектлар қонун талабларини тўлиқ бажариши шарт. Шундагина ўзгаларнинг ҳуқуқи ҳурмат қилинган бўлади. Баъзиларга прокуратуранинг қишлоқ хўжалигидаги қонунчилик аҳволига кўпроқ эътибор қаратаётганлиги эриш туюлаётган бўлиши мумкин. Ҳозирги шароитда бундан бошқа йўл йўқ. Чунки ҳали фуқароларнинг бозор иқтисодиётига оид малака ва кўникмаси етарли даражада эмас. Масалан, «Синдоробод» ДФХУда жойлашган ёқилғи тарқатиш шахобчасида оператор бўлиб ишловчи Абдулла Қурлиев 811.000 сўмлик 4551 литр ёнилғини талон-тарож қилган. Бу шахобчадан 56 та фермер хўжалиги ёнилғи олади. Улар ёнилғининг тўла ва ўз вақтида берилишини шартнома асосида талаб қилиш даражасида малакага эга дея олмаймиз. Кимдир андиша қилади. Кимдир операторнинг товламачилигига лаққа учади. Бу нарса охир-оқибат ҳосил чўғининг паст бўлишига олиб келиши аниқ.

Бундай мисолларни бошқа соҳалардан ҳам келтириш мумкин. Масалан, «Малик» касб-ҳунар коллежи бош ҳисобчиси Абдулла Эгамбердиев кассир Л.Лучко билан тил бириктирган ҳолда 2003 йил апрел ойида коллеж ходимларига берилиши лозим бўлган 1.000.000 сўм мукофот пулини олиб, унинг 580.000 сўмини тарқатган. Ведомостдаги рақамларни ўзгартириш йўли билан ҳужжатни сохталаштиришган. Шундай ҳолатни бир неча бор такрорлаб, 2.154.000 сўм пулни талон-тарож қилишган...

Турғун Худойбердиев билан суҳбатимиз узоқ чўзилмади.

Зеро, ўша куни туман ҳокимлигида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаоллар кенгаши ўтказиш тайинланиб, унда маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, милиция ходимлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг иштирок этиши белгиланган экан.

— Мана шундай қизғин шароитда ишлаяпмиз, — деди биз билан хайрлашар экан Турғун ака.

**Муҳаммад КАРИМ**



*Шаҳар марказий ҳиёбони*

# ҳамма баробар

али мансабдорлари 2004 йили пенсия таъминоти учун ажратилган маблағларнинг 5.064.757 сўмини сохта ведомостлар тузиш орқали ўзлаштиришган. Тумандаги 14 та қишлоқ врачлик пункти мансабдорлари томонидан ҳақиқатда ҳомиладорлик нафақасига чиқмаган, фарзанд кўрмаган 32 аёлга 5.371.100 сўм нафақа тайинланиб, талон-тарож қилинган.

Маълумки, тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳар бир шахснинг узвий ҳуқуқидир. Уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилаяпти. Бу йўналишда судларга 1.865.000 сўмлик даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, ваколатини суиистеъмол қилиб, бировларнинг манфаатига зарар етказиш ҳолатларига ҳам мисоллар бор. Масалан, Сайхунобод тумани ҳокими Р.Нормуродов ўғли Алишер номига «Great Future» фермер хўжалигини ташкил этиб, туманнинг «Работ» ширкат хўжалигида жойлашган «Қайрат Бек» ва «Инъом Юсуф ўғли» фермер хўжалиги раисларига тазйиқ ўтказиб, ерларини ўғлининг фермер хўжалигига қўшиб беришга мажбур қилган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Қонун олдида барча баробар.

**Мурод ЭШНАЗАРОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

***«Шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилсин».***

**Ислом КАРИМОВнинг 2005 йил 28 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасидан**

# ҲАМОН ЗАРУРАТ БОР

Юртимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг самараси сифатида қурилиш ташкилотлари, хизмат кўрсатувчи муассасалар, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг хусусий шахсларга тегишли эканлиги бугун ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Маориф, фан, соғлиқни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий таъминот фондларини қўллаб-қувватлаш солиқ тўловлари орқали амалга оширилади. Ҳар бир киши солиқларни ўз вақтида тўлашни ўзининг бурчи деб билиши керак. Сирдарё вилоятида 2005 йилнинг ўтган 5 ойи давомида 18.800.930.200 сўм солиқ тўланган. Фуқаролар онгида ҳуқуқий маданият юксалиб бораётганини ушбу фактдан ҳам билиб олиш мумкин. Лекин шунга қарамай орамизда ўз бурчини англаб етмаганлар ҳамон учраб турибди. Солиққа оид қонунчилик назоратини таъминлаш мақсадида 5 ойда 148 та объектда текшириш ўтказилди. Бунинг натижасида 48 та ҳолат юзасидан интизомий чора қўлланган. Қарийб 363.000.000 сўмлик даъво аризаси киритилган. Демак, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини, профилактик тадбирлар самарадорлигини оширишга ҳамон зарурат бор.

**Фуркат ЖУМАЕВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

# ЮРТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН ШАЙМИЗ

**Ватан тупроғи муқаддасдир. Юртимизга келаётган ҳар бир инсоннинг нияти холис бўлиши лозим. Лекин Қувондиқ Налибеков ва Маматқул Сапаровлар ўзаро тил бириктириб, Қозоғистондан мамлакатимизга ўқ-дори олиб кирмоқчи бўлишган. Жиноий режага кўра Қ.Налибеков 2004 йил 1 октябр куни Чимкент шаҳридаги дўкондан 9000 грамм «Супербарс», 1600 грамм «Сокол» маркали порохлар ва уч қути капсулани 20.000 тангага сотиб олиб, Ўзбекистонга олиб кираётганида «Оқолтин» божхона постида ушланди.**

**Терговда аниқланишича, М.Сапаров 2003 йил ноябр ойида Жамшид ва Баҳодир исмли кишилар билан тил бириктириб, 7600 грамм «Сокол» порохини «Абай» канали орқали юртимизга олиб кириб, ноқонуний равишда сақлаган. Бу ҳолат 2004 йилнинг феврал ойида ҳам такрорланган.**

**Ушбу шахсларга нисбатан қонуний жазо белгиланди.**

**2004 йилнинг август ойида эса Баҳриддин Саримсоқов ўзининг 12 Е 7303 номерли машинасида Тошкент-Жиззах йўналишида Қозоғистондан мамлакатимизга кириб келаётганида божхоначилар томонидан тўхтатилган. Маълум бўлишича, у машина ўриндиғи тагида 13.785.000 сўм пулни ҳеч қандай декларация ва ҳужжатсиз Ўзбекистонга олиб кираётган экан. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорга суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланган.**

**Қурбонбой КИРОНОВ,**
**Оқолтин туман прокурорининг ёрдамчиси**

**YOMONNING BIR QILIGI...**

**Питнаклик Аллаберган Кутимов вужудига шайтони ин қурганлардан бири бўлиб чиқди. У қирчиллама йигитлик даврини эзгу ишлар билан ўтказиш ўрнига разолат ботқоғига ботди. Устма-уст жиноятга қўл урди.**
**1998 йили жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман суди томонидан судланиб, 13 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. 2001 йили жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларига алмаштириш шарти билан озодликка чиқади. Бироқ букрини гўр тўғрилайди деганларидек, Аллаберган фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига янада қабоҳатга ботади. Ажаб ҳангомалар «қаҳрамони» бўлмиш Аллаберган аслида Қўшкўпир туманидаги Незахос қишлоғида расмий рўйхатдан ўтиб, ўзи Питнак шаҳрида яшаган. У шаҳарнинг Ризаев кўчаси 46-уйнинг 2-хонадонида яшовчи Надежда Гринкевич ва шу уйнинг 3-хонадонида яшовчи Анна Зарачева ҳамда унинг қизи Надежда Зарачеваларни тинимсиз ҳақоратлаб, қўрқитиб, дўппослаб келган. Зўравоннинг бу каби қабиҳ ишларидан 46-уйда яшовчи бошқа фуқаролар ҳам бенасиб қолмаган.**



# Ризаев кўчасидаги 46-уй

— Мен илгари ҳам одам ўлдирганман, сизларни ўлдириш ҳеч нарса эмас, — дея одамларга пўписа қиларди муштумзўр А.Қутимов ичиб олган пайтлари.

Худо безори бу шахс 46-уйнинг 2-хонадонида яшовчи Н.Гринкевич билан никоҳдан ўтиб, деярли бир йил умр кечирди. Бу даврда турмуш ўртоғининг аёвсиз дўппослаши, шаъни, қадр-қимматини оёқ ости қилиб ҳақоратлаши оқибатида жуда кўп маънавий ва жисмоний азоблар гирдобига ташланган. Оқибатда Н.Гринкевич бундай хўрликларга чидай олмай, боши оққан томонга кетиб қолди.

«Кўнглимнинг кўчаси кенг — қайдан шамол ораласа...» қабилида иш тутишга ўрганиб қолган Аллаберган қўшниси, 46-уйнинг 3-хонадонида яшовчи Надежда Зарачеванинг кўнглига қўл солади. Аёлни ҳавойи ваъдаларга ишонтириб, у билан никоҳсиз яшай бошлайди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, А.Қутимовнинг ичиб олиб, жанжал кўтариш каби ёввойи одатлари 2004 йилнинг декабрига келиб авжига чиқади. Ўша йилнинг 31 декабр куни у ўша барчага урйиқит, ола-ғовури билан яхши таниш бўлган 46-уйнинг 11-хонадонига маст ҳолда келиб, уй соҳибаси Г.Довулбоеванинг бошига дастурхонда турган чойнак билан уриб, оёғига, қорнига тепиб, тан жароҳати етказади. Янги йил оқшомидаги кутилмаган бу сийлов ҳақида Г.Довулбоева ҳеч нарса деёлмайди. Чунки зўравон унга «Агар бировга «гинг» десанг, ўлдираман» дея пўписа қилган. Бечора Г.Довулбоева қўрқҳанидан огзига талқон солиб юришга мажбур бўлади.

А.Қутимовнинг жирканч иллатларидан яна бири шу эдики, у ўзининг никоҳсиз рафиқаси ва бошқа аёлларнинг эркаклар билан жинсий эҳтиёжларини қондириш шароитини яратиб берар эди. У фоҳишахона ташкил қилиб, ўз хотини ва бошқа аёлларни пул ёки бошқа қимматликлар эвазига мижози бўлмиш эркакларга қўшар эди.

2005 йилнинг 14 январга ўтар кечаси 46-уйнинг 3-хонадонида уюштирилган базму жамшид урушжанжалга айланди . А.Қутимов никоҳсиз рафиқаси Н.Зарачева ва бошқа меҳмонлар билан бирга ўтириб, кўп миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қиладилар. Кучи билагига чиқмай қолган Аллаберган ароқ ичиб, мастликдан ожиз аҳволда қолган Надеждани норасида ўғли Сирож Зарачев ва бошқа меҳмонларнинг кўз ўнгида ўта шафқатсиз равишда қийноққа сола бошлайди. Аёлнинг бошига чойнак ва сопол товоқлар билан урган и етмагандек, қорнига дастма-даст тепа бошлайди. Оқибатда Надежданинг чап ва ўнг томонидаги бир неча қовурғаси синади.

Қутурган ит эгасини танимас, деганларидек, тан жароҳати олиб полда жон талвасасида тўлғониб ётган Н. Зарачеванинг бошига ваҳший А.Қутимов чойнакдаги қайноқ сувни қуя бошлайди...

Онаизори ўгай отасининг қўлида азоб чекаётганини кўрган Сирож дарҳол бувисининг олдига югуриб боради. «Буви, анави ойимни дўппослаяпти!» деган гапларини кекса кампир Н.Зарачева одатдагидай совуққонлик билан қабул қилди. «Биз нима ҳам қила олардик?! Ҳар доимгидай уришиб-уришиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетадилар» дея кампир неварасини юпатган бўлдию, ўзи яна пинакка кетди.

Ризаев кўчасидаги 46-уйда Н.Битановадан виждонли одам топилмаса керак. У ўзгалар каби инсонлар қисматига бефарқ қарайдиганлардан эмас эди. Тонгги соат 4.00 ларда унинг қизи М.Битанова чанқаб уйғониб, сув ичишга турди.

— Ойи — дейди қизча атрофга қулоқ тутаркан, — Н.Зарачеванинг қичқирган овози эшитилгандай бўлди. Аллаберган деган тўнғиз яна уни ураётган бўлса керак.

Ёш қизалоқнинг сўзлари она Н.Битановани ҳушёр торттирди. У диққат билан қулоқ солди. Ҳақиқатан ҳам қўшнисининг «Аллаберган, бўлди, мени урма!» деганини эшитди.

Н.Битанова қизи Муяссарни қўшниси Ҳавожонга қўшиб, қаердан бўлса ҳам милицияга сим қоқишга жўнатади. Муяссар ва Ҳавожонда отнинг калласидай юрак бор эканки, улар ҳайиқмай, Н.Зарачеванинг уйига кирганларида балкондаги катда Надежда зўрға хириллаб нафас олиб ётар эди. Унинг юзлари калтакдан шишиб кетган, ҳамма ёғи қип-қизил қонга бўялган эди. Хабар қилишгач, етиб келган «Тез ёрдам» уни касалхонага олиб кетади. Афсуски, А.Қутимов Надежданинг умрига зомин бўлган эди. Н.Зарачева касалхонада жон таслим қилади.

Шу йилнинг 22 апрел куни Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судида А.Қутимовнинг жиноий хатти-ҳаракатларига оид «иш» кўриб чиқилди. Тергов-суриштирув ҳужжатлари ва гувоҳлар кўрсатмаси инобатга олиниб А.Қутимов 20 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Суд жараёнида қўни-қўшни, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари жиноятчининг салбий хатти-ҳаракатлари ҳақида гувоҳлик кўрсатмалари беришди. Аллаберган ҳамиша ичиб маст бўлгач, тинч аҳолининг осойишталигини бузиб, урушжанжал чиқариб юриши ҳақида оғиз кўпиртириб гапирдилар. Питнак шаҳар А.Ибрагимов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Ибодуллаев А.Қутимовнинг қатор салбий ҳаракатлари ҳақида тўхталиб ўтади. Бизнингча, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бир ёқадан бош чиқариб, тегишли маҳкамалар, ҳуқуқ-тартибот идораларига ўз вақтида мурожаат қилишганда, Ризаев кўчаси 46-уйдаги бошбошдоқликларнинг олдини олиш мумкин эди деб ўйлаймиз.

Салгина эътиборсизлик туфайли Н.Зарачева зўравон А.Қутимовнинг қурбонига айланди. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва қўниқўшнилар бу дунёда инсон инсон учун масъуллигини чуқур ҳис этганларида бу мудҳиш воқеа балки содир этилмаган бўлур эди.

**Машариф САФАРОВ,**
**Хоразм вилоят прокуратураси идораларида терговни назорат қилиш бўлими бошлиги**
**Эрпўлат БАХТ,**
**«Huquq» мухбири**

**AFSUS**

**Бутун дунёни оқ сути билан боққан аёлни доимо шарафлаб келамиз. Инсондаги барча гўзалликлар онажонларнинг меҳр тафтидан эканлигига шубҳасиз қарашга ўрганганмиз. Аммо фарзандини бахтли қилишни истаса-да, айрим аёллар тор дунёқараши, калтабин мўлжали билан унинг қўл-оёғини боғлаб қўяди ва ҳатто ҳаётига зомин ҳам бўлади.**

# Орзулари кўмилган аёл



Фарида Абдуллаева Жомбой шаҳрининг Баҳористон гузарида яшаб келади. Навжувон аёл турмушидан ажралиб, ёш бўлса-да, якка-ю ёлғиз овунчоғи бўлган қизчаси Шоҳсанам билан яшай бошлаган эди. Дилбанди борлигига шукрона айтиб, турмуш чиғириқларига юз тута борди. Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак дейдилар. Боши очиқ аёлнинг гап-сўзларсиз яшаши душвор экан-да барибир. Боз устига ҳали ўйнаб-куладиган даври ҳам.

«Боши очиқлик» унинг кўп бор энсасини қотирган. Фарида гап-сўзлардан ғаши келиб жиззакилашиб, қаҳр билан ҳавога кўтарилган муштини кимга урарини билмай юрди. Кейинчалик эса, ажаб қилдим-хўп қилдим қабилида баъзи «қилиқ»лардан бети қизармайдиган бўлиб қолди. Бир-икки «қянилари» уйига келишганда, вақтинча бўлса-да, жажжи қизалоғи ортиқчалик қилиб турарди.

Фарида секин-аста эл назаридан олислаша борарди. Бошига тушган қийинчиликлар ва ҳатто таънадашномларга дуч келганда тўрт девор орасида минг тутақиб, минг ёнарди. Шундай кезларда Шоҳсанамга заҳрини ўтказадиган бўлиб қолди. Шундай қилса бироз енгил тортгандай бўларди. Дашномлардан ранги синиққан, баданининг ҳали у, ҳали бу қисми кўкариб, моматалоқ бўлган бегуноҳ қизалоқ боғчада ҳам, кейинчалик мактабда ҳам ўзининг тенгқурларидан олис тутадиган бўлиб қолаётганди.

Қишнинг сўнги кунлари эди. Иккинчи синфда ўқийдиган қизи унинг важоҳатидан чўчиб, мактабга оч-наҳор кетди. Уйга қайтар чоғида ҳам жеркишу тергашлар уни хомуш тортишга мажбур этарди. Ноилож онага ёзилди.

— Аяжон, қорним очқади.

— Ҳайла дастурхон, — емак баҳонасида онанинг ёдига кўчада эшитган гапи тушди.

— Шошма-шошма, балони егур. Кеча синфдошингнинг папкасидан нонини олиб еган эмишсан. Шу ростми?!

Қизалоқ «очқаган эдим-да» демоқчи бўлди-ю, яна мулзам жовдираганича бориб, онасининг тиззасидан қучди.

— ...

— Қандай қўлинг борди, тош еганинг яхши эмасмиди, яшшамагур! — она Шоҳсанамни бор кучи билан туртиб юборди. Боши билан гиламга йиқилган қизи кўзига болодек кўрина бошлаганди. Ҳали ўзини тутиб олмасидан даст туриб қизчанинг устига минди. То шаштидан тушгунча тепиб, муштлади. Сўнг қўлига илинган таёқ билан юзингкўзинг демай тўғри келган жойига савалай кетди.

Қизча узала тушиб ётиб қолгандагина Фариданинг кўзлари очилди. Шафқатсизларча қилинган тажовуз зарбидан унинг жони узилиб борарди. Саросимада қолган она бироз донг қотиб турди-да, жон ҳолатда қизининг бошидан тутиб бағрига босди.

— Вой ўлай, кечир мен бетавфиқни, қизим. Энди ҳеч урмайман! Кўзларингни оч, биргина очсанг-чи, жон қизим!

Лекин Шоҳсанам кўзларини қайта очмади. Ташна лабларини зўр-базўр қимтиб аранг шивирлади.

* * *

Шалвираб қолган Шоҳсанамнинг совуқ гавдасини хона тўрига ётқизиб, устига чойшаб ёпиб қўяркан, Фариданинг юрагини ваҳима босди. Сири фош бўлиб қолса, нима деган одам бўлади? Ҳужра торайиб, қўрқув ва ҳаяжон кучайиб борарди. Фарида кечга яқин серқатнов йўлдан енгил машина ёллаб келиб, «касал бўлиб қолган» қизини олис қишлоқдаги онасиникига ортқилаб кетди.

Қаро ер ҳеч қачон саралаб ўтирмайди. Нотаниш қабристон ҳали ҳаёт завқини тотиб улгурмаган бир камсуқум зурриёдни ютиб, жим қолаверди. Фарида эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек шаҳарга қайтиб келди. Лекин одамни кўмиш мумкин, қабиҳ қилмиш сирларини ерга кўмиб бўлмас экан.

Фариданинггина эмас; бутун маҳалла-кўйнинг фарзандига айланган Шоҳсанамнинг кутилмаганда касалланиб ўлиши қўниқўшниларни таҳликага солиб қўйган эди. Уларнинг гумонлари асосида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳақиқатни юзага чиқаришга киришишди. Марҳуманинг қабри очилиб, экспертиза ўтказилганда унинг танасининг 70-80 фоиз қисмига турли жароҳатлар етказилгани аён бўлди. Текширув натижалари ва ўнлаб қўшниларнинг кўрсатувлари қизчанинг қотилини аниқлаб берди. Энди Фарида қизига қўшиб, ўзининг орзу-умидларини ҳам кўмиб қайтганини 15 йиллик қамоқ давомида ҳали кўп эслаunion керак.

**Моҳира СУЛТОНОВА,**
**Жомбой туман прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Huquq» мухбири**

BU QIZIQ OLAM

**Барча соҳалар каби автомобилсозликда ҳам йилнинг энг зўрлари аниқланади. Бир неча қитъа ёки алоҳида давлатларнинг ушбу соҳадаги сўровлари ўтказилмоқда. Унда энг чиройли, техник «вундеркинд» ва барча тарафдан рекордчи автомобиллар қатнашади.**

# Автомобиллар салтанати



### ШОҲОНА ГЎЗАЛЛИК

Аввало машиналарнинг рейтинги ҳақида тўхталиб ўтсак. Энг чиройли автомобиллар танловида энг ҳашаматли ва шинам машиналар иштирок этади. Ҳар йили бундай автомобилларни дунёнинг кўзга кўринган дизайнер, архитектор, рассом, журналист ва жамоат арбобларидан тузилган халқаро ҳакамлар ҳайъати аниқлаб беради. Танлов Италиядаги қасрлардан бирида бўлиб ўтади. Унда автомобилларнинг техник қуввати, сифати, қулайлиги ёки хавфсизлигига эмас, балки ташқи кўринишига баҳо берилади. Ўтган йилнинг энг гўзал автомобили номини «Bentley Continental GT» автомобили қўлга киритди. У мазкур номинация ғолиблигини 1999 йилдан бери сақлаб келмоқда. Бир-бирига уйғунлашиб кетган шакллар, айлана шаклидаги чироқлар, ёпиқ том ва бамперларнинг йўқлиги унинг чиройига чирой қўшиб туради. Машина ўтган асрдаги «Гран туризмо» туркумидаги автомобилларнинг энг зўр вакилларини эсга солади. 560 от кучига эга «Bentley»нинг тезлиги соатига 300 км.ни ташкил этади.

### ИНЖИҚ БОЙВАЧЧАЛАР УЧУН

Энг қиммат ва экзотик машиналар биринчилигига ҳам қизиқиш кам бўлмайди. Бу ерда етакчиликни «Ford GT» қўлга киритди. Ушбу машина куз ойларидан бошлаб Европа бозорларига чиқиши кутилаяпти. АҚШда 150.000 доллар турадиган бу машина Европада бундан ҳам қимматроққа сотилиши мумкин. «Ford Europe»нинг президенти Луис Бутт: «Хоҳловчилар бу машинанинг кўриниши ва имижини ўзлари танлайди ва машинанинг нархи тахминан 160.000 евро бўлиши мумкин», — деди интервюларининг бирида. Лекин дастлабки «Ford» ўтган йилнинг кузида Паблл-бич (АҚШ)даги аукционда 557.000 долларга сотилган эди. Шунингдек, «Tne World Street Journal» газетаси ўтган йилнинг охирида эълон қилган энг қиммат автомобиллар рўйхатида «Bugatti Veyron» (750.000 $) ва «Ferrari Enzo»дан кейинги ўринни эгаллаган эди.

### ҚИТЪАНИ ЗАБТ ЭТУВЧИЛАР

Қитъанинг энг яхши автомобилини шу соҳадаги журналистлар аниқлаб беришади. Техник сифат, чидамлилик, ташқи кўриниш ва хавфсизлик ғолибликнинг асосий шартидир. Европанинг бу йўналишидаги ғолиби Италиянинг «Fiat Panda» автомобилидир. Бу автомобил ишлаб чиқарилганига анча бўлганига ва нисбатан арзон бўлишига қарамай барча рақибларини ортда қолдириб пешқадамликка эришди. 23 йилдан бери бу компания автомобилларининг 60 га яқин тури ишлаб чиқарилди.

Шимолий Американинг энг яхши автомобили номинацияси бўйича АҚШ ва Канаданинг 49 та автожурналисти «Ford F-150» (пикап) ва «Toyota Prius» (седан)ни ғолиб деб топишди. Американиклар табиатан пикап ва седан типидаги автомобилларни хуш кўришади. Шунинг учун бу хилдаги автомобиллар харидоргир бўлади.

«Ford F-150» АҚШнинг охирги ўн йилликдаги энг оммавий автомобилидир.

«Toyota Prius». Бу автомобилнинг ўзига хос томони шундаки, унда ҳам бензинли, ҳам электрли двигател бор. Бундай машиналарни узлуксиз ишлаб чиқариш дунёнинг кўпгина етакчи компанияларига ҳам оғирлик қилади. АҚШда «Toyota Prius» 20.000 доллар атрофида турса, Европада уни 22.700 еврога сотиб олиш мумкин.

### ПУЛДОРЛАР МАШИНАСИ

Британия автомобил саноатининг тарихи «Rolls-Royce»дан бошланади. Ўз урф-одатларига содиқ бўлган британияликлар бу афсонавий маркaнинг дунёга келиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ барча нарсаларга эҳтиёткорлик билан ёндошадилар.

2003 йил кириб келиши биланоқ Британиянинг «Rolls-Royce motor cars LTD» компанияси тўлиқ «BMW» концернининг қўл остига ўтди. Илгарироқ «Rolls-Royce» ва «Bentley» компаниялари «BMW»нинг рақиби бўлмиш «Folkswagen» компанияси томонидан сотиб олинган эди.

Ҳозирги кунда жаҳон матбуоти «BMW»нинг жуда замонавий қилиб безатилган «Rolls-Royce» маркасининг кўргазма салонига чиқиши ҳақида сўз юритмоқда. Бу янги моделнинг нархи 220.000 доллар бўлиши тахмин қилинаяпти. «BMW» компаниясининг асосий мақсади «Rolls-Royce»нинг классик образини сақлаб қолишдан иборат.

### «ROLLS-ROYCE»НИНГ ЯРАТИЛИШИ

Тегирмончининг ўғли Фредерик Ҳенри Ройс (1863-1933) ўн ёшида газета тарқатар эди. Кейин у катта Нортон темирйўл вокзалига ўқувчи бўлиб кирди. Бу ерда электроника ва машинасозликни ўрганди. 19 ёшида Ҳенри Ройс «Lancashire maxim and Westrik electrik company» фирмасида техник консултант бўлиб ишлай бошлади. Уч йилдан сўнг Ҳенри Манчестердаги Кукустритда шахсий бизнесини очди. Ройс ёритувчи арматура ва динамомашиналарни тайёрлаб чиқара бошлади. «Royce LTD» компаниясининг ишлари аъло даражада кетаётган бир вақтда 1903 йили Ройс ўзига французларнинг «Декови́л» маркали автомобилини сотиб олди. Бу машинани ишга тушириш қийин эди. Ундаги йўловчи эса ўзини от устида ўтиргандай ҳис қиларди.

Автомобил сотиб олганидан бир неча кун ўтгач, Ройс ҳар қандай танқиддан холи бўлган учта цилиндрли автомобилни ўз қўллари билан тайёрлаб чиқаришини айтди. 1904 йилнинг баҳорида машина тайёр бўлади.

### ИЛК МУВАФФАҚИЯТ

Чарлз Ройс (1877-1910) бадавлат лордлар оиласида дунёга келди. У Кембриждаги машҳур Тринити коллежида машинасозликни ўрганди ва бор эътиборини автосаноатга қаратди. 1902 йилдан бошлаб Роллс Британияга импорт қилинаётган француз автобиллари билан шуғуллана бошлади ва ўзининг «CS Roll and CO» хусусий фирмасини очди. У мамлакатдаги импорт автомобилларнинг илғор дистрибюторига айланди. Роллс ўзи сотаётган машиналардан ўзиб кета оладиган миллий автомобилни яратишга киришди.

Шундай қилиб 1904 йилнинг баҳорига келиб Ройснинг фирмасидан 3 та юмшоқ, вибрациясиз юрадиган автомобил чиқди. У узоқ муддат хизмат қила олиши билан ажралиб турарди. Машинанинг асосий хусусиятларидан бири шу эдики, унинг двигатели бир дақиқа ичида 1000 оборотга эга бўла оларди. Ройс «Decauville» автомобилидан ўзиб кетадиган машина яратишнинг уддасидан чиққан эди.

Бир куни Роллснинг таниши Ҳенри Эдмунд унга Англияда икки цилиндрли автомобил ишлаб чиқараётган тадбиркор ҳақида гапириб берди. Ҳенри Эдмунд Роллсни Манчестерга бориб Ройснинг автомобилларини кўришга кўндирди. Шундан бери англиялик Ҳенри Эдмундни «Rolls-Royce»нинг чўқинтирган отаси» деб аташади.

### АФСОНАВИЙ УЧРАШУВ

1904 йил 1 майда Роллс ва Ҳенри Ройс «Midland» меҳмонхонасида учрашдилар. Роллс ниҳоят узоқ йиллардан бери излаб юрган кишисини топганини айтди. Манчестердаги мазкур меҳмонхонада ҳозирга қадар Роллс ва Ройснинг афсонавий учрашувини эслатиб турувчи скулптура сақланиб келмоқда. Орадан кўп ўтмай икки жаноб «Rolls-Royce motor holding» компаниясини тузиш ҳақидаги шартномага қўл қўйдилар. 1904 йилдан 1906 йилгача бир неча мокс моделли автомобил ишлаб чиқардилар. Автопойгалардаги ғалабалардан сўнг уларнинг обрўси янада ошди.

1907 йилда «Rolls-Royce LTD» компанияси Манчестердан Дербига кўчиб ўтди ва тез орада у ерда ўз техник станциясини очди.

### «MG ROVER»ГА ҚИЗИҚИШ

Автомобиллар оламидаги яна бир янгилик: россиялик бир неча тадбиркорлар Британиянинг банкротга учраган «MG Rover» автомобил концернига қизиқиш билдирмоқда. Бу ҳақда Британия ва Россия матбуоти хабар бераяпти.

«Observer» нашрининг маълумотига кўра, «MG Rover»нинг инқирози билан шуғулланувчи «Pricewaterhouse Coopers» (PWC) аудиторлик компаниясига россиялик банкир ва тадбиркор Александр Смоленскийнинг ўғли Николай мурожаат этган. У концернни сотиб олишга қизиқмоқда. «PWC»нинг тасдиқлашича, Н.Смоленскийнинг аризаси компанияга билдирилган иккита жиддий таклифдан биридир. «MG Rover»ни сотиб олмоқчи бўлган иккинчи номзод Эроннинг «Doston» фирмасидир.

Н.Смоленскийнинг бойлиги 100 млн. долларни ташкил этади. Ўтган йили июл ойида у Британиянинг «TVR» спорт автомобиллари ишлаб чиқариш компаниясини 15 млн. фунт-стерлингга сотиб олганди. Смоленскийнинг ўзи «MG Rover»ни нима учун сотиб олаётганини изоҳлашни рад этди.

«Деловой Петербург» нашрининг хабар беришича, Британия автоконцернини Олег назоратидаги «Базовый элемент» холдингига қарашли «Руспромавто» компанияси ҳам сотиб олиши мумкин. «Руспромавто» директорлар кенгаши раисининг ўринбосари Александра Юшкевичнинг таъкидлашича, бу фаол компания учун зарурдир. «Қарор Англия компанияси банкрот деб эълон қилингандан сўнг қабул қилинади, бу бир йил атрофида бўлиши мумкин», — деган Юшкевич.

Таъкидлаш лозимки, «Руспромавто» тизимига Горкий автозаводи, «Стройдормаш», «Ярославский дизел» каби автобус ва катта юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи 6 та корхона киради. 2004 йилда компаниянинг умумий савдоси 2,8 млрд. доллардан ошиб кетди.

### УЧАР МАШИНАЛАР

Яқинда Британияда тезликни оширувчи машина ҳайдовчилари рўйхати эълон қилинди. Биринчи ўринни Италиянинг «Alfa Romeo GTV» автомобили эгаллади. «Auto Express» журнали 50.000 дан ортиқ тезлик учун жарима тўлаган ҳайдовчилар орасида сўров ўтказди. Шунингдек, журналистлар йўл полицияси маълумотларидан ҳам фойдаланишди. Улар йўлларда ўрнатилган кузатув камералари қандай машиналарни рўйхатга олганлигини аниқлашди (бу видеомосламалар тезликни оширган машина номери ва маркасини автоматик тарзда ёзиб олади).

«Auto Express» маълумотларига қараганда, биринчи бешлик қуйидагича:

***1. «Alfa Romeo GTV».***
***2. «Mercedes E class».***
***3. «Alfa Romeo 147».***
***4. «Mercedes CLK».***
***5. «Porsche-911».***

Энг «секин» юрувчи автомобиллар бешлиги қуйидагича:

***1. «Ford Fiesta».***
***2. «Citroen Saxo».***
***3. «Skoda Fabia».***
***4. «Nissan Micra».***
***5. «Citroen C3».***

### ВИДЕОКУЗАТУВГА ҚАРШИЛИК

Кўпчилик эксперт ва ҳайдовчилар тезликни ошириш режимини қайд этувчи кузатув камераларига қарши чиқаяпти. Бунинг сабаби бор, албатта. 1992 йили ушбу камералар туфайли британияликлар 700 млн. фунт-стерлинг жарима тўлаган. Мутахассисларнинг фикрича, бу билан йўллардаги вазият яхшиланганини йўқ. Аксинча, «The Daily Mirror»нинг хабарига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси 2003 йилда ошган.

Ҳайдовчилар кейинги сайловларда ҳукумат уларга халақит бераётган камераларни бутунлай олиб ташлашига эришишга умид қилишаяпти. «Ҳеч бир сиёсатчи 12 млн. сайловчига қарши бормаса керак», — дейди тақиққа қарши кампания ташкилотчиларидан бири Пол Смит. Ҳайдовчиларнинг таъкидлашича, бу камералар бир неча километр масофада содир бўлган воқеаларни акс эттирмоқда. Лекин маст ҳайдовчилар, ўғирланган автомобиллар, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузган ҳайдовчилар қўлга тушмай қолаяпти.



**Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА тайёрлади**

HAJVIYA



**Элимизнинг ардоқли ва атоқли адиби Ўткир Ҳошимов ўта жиддий, ўқувчини ларзага соладиган қатор йирик асарлар — «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби роман ва қиссалари, «Инсон садоқати», «Қатағон» сингари драматик асарлари билан аллақачон миллионлар қалбидан жой олган ёзувчидир. Шу билан бирга адибнинг шундай асарлари борки, уларни ўқиганда мазза қилиб куласиз. Уларда қандайдир беғубор нур порлаб тургандек.**
**— Кўпинча кўз ёши ва табассум етаклашиб юради, — дейди муаллиф. — Ҳар қандай жиддий асарда табассум, ҳар қандай хушчақчақ асарда изтироб бўлиши мумкин.**
**Ҳурматли газетхонларга ҳавола этилаётган ушбу ҳажвий ҳикояда қаҳрамон тили орқали характер яратиш услубига амал қилинган. Ўйлаймизки, ҳикоя сизларга маъқул бўлади ва атрофга жиддийроқ разм солишга ундайди...**

**Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# Сўққабош «БЕВАГИНА»

— Мумкинми? Гуд монинг! Салом!

Рухсатингиз билан ўзимни таништирсам. Жанетта Кабуловна Халтаева! Мен, к сожелению сизнинг сочинениеларингизни ўқиган эмасман. Ростини айтсам, китоб ўқишга вақт йўқ. Биласиз, время — деньги. Хотя эшитганман. В основном мамашкалар ҳақида ёзар экансиз.

Менинг ҳам тўртта болам бор... Нима? Унақага ўхшамайди, дейсизми? Раҳмат, комплемент учун! Ҳамма шунақа дейди. Мен мамамга ўхшайман. Мамам олтмиш ёшдаям аппетитний эди. Как куколка! Ҳар куни сочини причёска қилдирарди. Альчибальтга! Альчибальтни танийсизми? Неужели? Первоклассный мастер-ку! Мужской салонига бормаганмисиз? Впрочем, майли... Оловингиз борми?... Йўқ-йўқ, мен «Море» чекаман... Сенкю. Зажигалкангизга гап йўқ. Точно импортний!

Итак, тўртта болам бор. Маратик — Нукусда. Интернатда. Ёши... минуточку, ёши, помоему 14 да. Шу йил 14 га киради. Копия — папаси. Кр-р-расавчик! Смуглийлиги, кўзининг разрези... Папаси билан биринчи встречамиз Нукусда практикага борганимда бўлган. Зам министр эди. Шунақа абаятельный, шунақа интелегентний. Икки йилча турдик. Цивилизованный ажрашдик. Тўғрисини айтди. «Жаночка жоним, — деди, — бу ёғи прокол бўладиганга ўхшайди, хотиним жалоба ёзибди, двоеженство учун ишдан ҳайдашлари мумкин» деди. Биласиз, у пайтда бунақа масалалар строгий эди. «Маратик учун волноватся қилма, ўзим опекамга оламан, сен, Тошкентга кетавер, регулярно бориб тураман» деди. «О-кей!» дедим...

... Нигорочка — Самарқандда. Тоест, Нигорочка эмас, Наргизочка! Нигорочка — Қўқонда...

Где-то икки йилча олдин Самарқандга бордим. Наргизочканинг детдомига кирдим. Детдом — так себе. Аммо директор ништяк экан! Дылда!

Бўй басти икки метр. «Братан, дедим, — Наргизочкадан хабар олишим қийин. Ишларим навалом, дедим. Хотиржам бўлинг. Наргизочкага ўзим оталик қиламан» деди. Уч кун меҳмон бўлдим. Кр-р-утой эркак экан! Молодец!

Наргизочканинг папочкаси ҳам крутой эди. Межрайонний нефтбазада директор бўлиб ишларди. Ёши элликдан ошган бўлсада, как огурчик эди. Самарқанднинг пахани эди. Хотинидан қўрқмасдан шикарний тўй қилди. Ресторанда. Ёмон яшамадик... Қамалиб кетгани чатоқ бўлди. Ўша ердан «ксива» келди — хабар. У кишимнинг айтишларича как будто ҳаммасига мен виновата эканман. Э, тўкил, дедим! Бензинга дизтопливо қўшишни мен ўргатдимми сенга дедим!

Аммо Нигорочкадан анчадан бери хабар олганим йўқ. Айтдим-ку, «время-деньги». Қўқонга ҳеч йўлим тушмаяпти. Нигорочка отасида қолган. Предприниматель эди. «Жаҳон бозорида» саккизта «точка»си бор эди. Характери «миленький». Такой послушный. Иккита хотинидан боласи бўлмагани учунми, Нигорочкани жонидан ортиқ кўрарди. Ҳар куни минг хил ўйинчоқ олиб келади. Ҳаммасига ўзи айбдор! Нуқул замечания беради, нотация ўқийди. «Жаннатхон, бегона эркаклар билан гаплашмасинлар, номаҳрамларга кўринмасинлар, қоронғуда кўчага чиқмасинлар...» Томи кетган фанатик! Нима, мен феодализмда яшаяпманми? Эркакнинг бегонаси бўларканми? Э, сирпал, дедим! Оберган бир хонали квартирангга как дурочка учинчи хотин бўлиб туришим керакми?!

...Пардон, яна оловингиздан... Сенкю. Между прочим, зажигалкангизга гап йўқ! Кўп чекасизми? Шавкатнинг папасиям кўп чекарди. Мана буни настояший мужик деса бўлади! Қомат бесподобний! Сочлар курчавий! Бизнесни синдириб қўяди! Ҳамма иши «дода»! Тўртта хотинини вот так обеспечить қилиб қўйган. Разумеется ЗАГСимиз йўқ эди. Впрочем бунисимиз неважно. Иккита «Мерси» бор эди. «Мерс-600!» Белдерсойдаги дачасини айтинг! Саунаси, бассейни... Нет равных! Бир йилча бўлди. Россияга кетганча дараги йўқ. Ўша ердаги братанлардан суриштирсам, биз не в курсе дело, дейди....

Шавкатчик ўзимда. Икки ёшга чиқди. Шустрий. Ходячая бомба. Между нами бир гап айтайми? Уйга нотаниш «дядя»лар келса, ҳалитдан мени ревновать қилади, паразит! Сизни «фазендам»га «ходячий бомба» йўқлигида чақираман, о-кей!

В обшем майли, ближе к делу! Менга сизнинг паддержкангиз керак. Ҳокимиятга заявление берган эдим. «Мен мать одиночкаман. Қийналиб кетдим, шаҳар марказидан квартира беришингизни сўрайман» деб. Борсам, бир пацан ўтирибди. Ўн кундан кейин келинг, деди. Бугун борсам нима дейди денг? «Тўрт хонали уйингиз бор экан-ку!» дейди. Мен уни сенинг пулингга олганманми? Худога шукур, бошимда эрларим, тоест, эрим бор, тоест бор эди. Бу уйни ўз пулимга сотиб олганман. Йигирма минг «бакс»га! Тағин нима дейди денг, фраер? «Опажон, «монетный двордан» чиқиб келдингизми, ҳамма ёғингиз бриллиант-ку!» дейди. Менга комплимент қиляпти, сопляк! Бриллиантни сен подарка қипсанми? Аёл бошим билан бизнес қиляпман. «Челнок»ка боряпман. Стамбулга, Дубайга, Южний Кореяга... Осонми? Ҳар қадамда «мент!» «Доля» чўзмасанг, ҳаммасини обқўяди!

Кстати... Дубайда бўлганмисиз? Обязательно боринг! Техника пачти даром! Тилла — навалом. Араблар темпераментный бў... Ну буниси неважно!

Короче, ҳокимиятдаги ўша пацан «Сизга уй йўқ, ҳамма квартиралар приватизация қилиб бўлинган, қаёққа борсангиз, катта кўча» деди. Шуни бир фельетон қилинг! Беспомошний мать-одиночкани унижат қилиш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўйинг! Услуга за услугу! Мен ҳам қарздор бўлиб қолмайман. Фамилияси... минуточку, фамилияси... ёзиб олганман...

Нима? Ёзмайсиз? Тоест как ёзмайсиз? Нима? Нима дедингиз? Яна бир қайтаринг! «Мен инкубатор тузатадиган уста эмасман» дедингизми? «Ким инкубатор?» Нега аёл кишини ҳақорат қиласиз?! Нима ҳаққингиз бор. Нахал! Писака несчастний! Ма, зажигалканг бош-шшингдан қолсин.

GALATI QONUNLAR

## МЎЙЛОВЛИЛАРГА ҚИЙИН

Индианаликларга «Балиқ бўлиб кетинг-эй!» деган латифани айтиб бериш керак. АҚШнинг бу штатида октябрдан март ойигача ваннада чўмилган киши жазоланади.

Сизга Иллинойс штатига мўйловингизни қирдириб боришни маслаҳат берамиз. Чунки бу штатнинг Юрика шаҳрида мўйловли эркаклар аёлларни ўпиши тақиқланган.

Дарвоқе, каламушни ёқтирмасангиз ҳам унга чидашингиз керак. Шу штатдаги Гейлсбур шаҳрида каламушни бейсбол калтаги билан урган одам 1000 доллар жарима тўлашга мажбур қилинади.

Алабама штати қонунларида темирйўл релсларига туз сепган кишига ўлим жазоси белгиланган. Небраскада эса болакайни черковда ҳиқичоқ тутса, ота-онаси ҳибсга олинади.

Нью-Йорк штатидаги Кармеле шаҳрига йўлингиз тушиб қолса, кийинишга алоҳида эътибор беришингизга тўғри келади. Бу шаҳарда пиджагига мос рангда шим киймаган киши жазога тортилади.

Сент Луисда катта йўлда ўтириб челакдан пиво ичиш тақиқланган.

Хартфорд шаҳрида (Коннектикут) йўлдан қўлда юриб кесиб ўтиш мумкин эмас.

## ХОТИНЛАРНИ УРИШ МУМКИН, ФАҚАТ...

Аризонанинг Моухейв Каунти шаҳрида совун ўғирлаган киши ўша совун тугагунча ювинишга мажбур этилади. Шу штатда музқаймоқни чўнтакда олиб юриш, аёллар олдида тупуриш, черковга ясама мўйлов билан кириш ва кўчада ниқобда юриш ҳам жиноят ҳисобланади.

Яна бу ўлкада кактусни нобуд қилган кишига 25 йилгача қамоқ жазоси белгиланиши мумкин. Энг қизиғи, бу ерда турмушга чиқмаган аёлларнинг балиқ овига ёлғиз бориши тақиқланган. Глоуб шаҳрида эса кўчада ҳиндулар билан карта ўйнаш ман этилган.

Алабаманинг Жаспер шаҳрида яшовчи эркаклар хотинларини бош бармоғининг диаметридан йўғон таёқ билан уришлари мумкин эмас.

**Нурбек АБДУХАЛИЛОВ тайёрлади**

TURFA OLAM, TURFA ODAMLAR

# Бемаъни анъана

**Ҳар бир жойнинг ўз урф-одатлари бўлади. Жумладан, талабалар ҳаётида ҳам ажойиб анъаналар бор. Кўп жойларда талаба диплом ҳимоя қилганда устидан сув қуйиш одат тусига кирган бўлса, Оксфорд университетида бу бироз бошқача кўринишда экан. Бу даргоҳнинг талабаларига анъанага содиқ қолиш анча қимматга тушди. 1 май байрамини нишонлашгач, ўнлаб талабалар оғир аҳволда касалхоналарга ётқизилди.**

**Буюкбританиянинг кўҳна университетида асрлар оша келаётган шундай анъана бор: 1 май оқшомида ақлдан озар даражада ичишади ва тонгда университетнинг Мария Магдалена кўпригидан сакрашади. Юз йиллардан бери шундай. Маҳаллий полиция эса бундан хабардор бўлса-да, майда безорилик ҳисоблаб, кўз юмиб кетар эди. Бу йил май байрами арафасида Оксфорд полицияси расмий чиқиш қилди: бу гал кўприкдан сакраш тақиқланади, чунки дарё суви жуда саёз эди. Аммо уларнинг огоҳлантириши зое кетди...**

**Буюкбританиянинг ўнлаб «энг ақлли талабалари» барибир 8 метр баландликдаги кўприкдан дарёга сакрашди. Дарё суви бор-йўғи 90 сантиметрни ташкил этарди. Натижада 30 нафардан зиёд талаба оғир жароҳат олди. Ўнлаб талабалар умуртқа поғонаси, қовурға, қўл-оёқ синиши каби жароҳатлар, яна бир қанчаси эса қаттиқ лат ейиш ва мия чайқалиши билан касалхонага жойлаштирилди. Камида 100 киши эса кўприкда юзага келган тиқилинчдан жароҳат олган. Ахир, бу ерга оз эмас, кўп эмас, 8,5 минг талаба йиғилган эди.**

**Нилуфар ТЎРАЕВА тайёрлади**

*Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти жамоаси Хоразм вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳ.Аслановга волидаси

**ҲАНИФА ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV *(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi)*, G'afurjon ALIMOV *(mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi)*, Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks:133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Buyurtma Г — 661. 11921 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Y.PARDAYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 6 7 8

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda